

## ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

**Исмонов Наврўзбек Обобакир ўғли**  
*Бизнес ва Тадбиркорлик олий мактаби*  
*Лойиҳа бошқаруви факультети*  
*G-mail: navruzbek269@gmail.com*  
*Телефон: +998993534687*

**Аннотация:** Маълумки, ҳар қандай фаолият тури бошқарув асосида қурилади, чунки шу фаолиятни амалга оширишда кўзланган мақсадга эришиш, бажариладиган вазифаларни тақсимлаш, ижросини назорат қилиш, шунингдек, самарадорликка эришиш учун шу фаолиятда иштирок этувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, рағбатлантириш чора тадбирлари бошқарув жараёнида ташкил этилади ва мувофиқлаштирилади. Бунда бошқарувга иқтисодиётда мавжуд тизим ҳам ўз таъсирини ўтказди. Мустақиллигимизни қўлга киритмасимиздан олдинги тизимда, иқтисодиётда маъмурий – буйруқбозликка, ҳамда марказий режаслаштиришга асосланган тизим ҳукмрон эди. Ўзбекистон жаҳон тажрибасига асосланиб, мулкчиликнинг турли шакллари тенглиги таъминланган, ишлаб чиқаришнинг замонавий миллий манфаатларга мос тузилмасини яратиш кўзда тутилган, эркин нарх-наво ва бозор қонунлари асосида бошқариладиган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини танлади.

**Калит сўзлар:** Давлат бошқаруви, мулкчилик, ислоҳот, демократия, иқтисодиёт, қонун, миллий манфаат, давлат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат бошқаруви тизимининг самандорлигини оширишга қаратилгани билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Яқин истиқболдаги инновацион тараққиётимизнинг дастуриламали бўлган Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналиши ҳам айнан давлат бошқаруви тизими ва жамият қурилиши соҳасидаги ислоҳотларга бағишлангани бежиз эмас. Янги Ўзбекистонда демократик давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, деган юксак ғояга асосланган ҳолда амалга оширмоқда. Ислоҳотларнинг биринчи босқичиданоқ бошқарув тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Олиб борилган ислоҳотлар институционал ўзгаришларни амалга оширишга, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини бошқариш борасида уларнинг хусусиятига мос келадиган ташкилий ҳуқуқий шакллар вужудга келишига қаратилган. Бошқарув тушунчаси тор маънода бирор бир ташкилот мақсадини аниқлаш ва унга эришиш учун зарур бўлган режалаштириш, ташкил этиш ва назорат жараёнларини фойда келтириши, самара бериши қанчалик фаолият йўналишини тўғри танлай билиш, қарорлар қабул қила олишга ҳамда унинг бошқарилишини назорат қилишга ва бу жараён боришига боғлиқ бўлади.

Бошқарув кенг маъноли тушунча сифатида жаҳондаги бошқарув ва уни ташкил этишнинг назарийчиларидан бири Питер Ф. Друкер айтганидек, “Бошқарув алоҳида фаолият тури бўлиб, ташкил этилмаган бетартиб оммани, бир мақсадга йўналтирилган самарали ва унумли гуруҳга, жамиятга айлантирадиган, ижтимоий ўзгаришларни рағбатлантирувчи элемент ҳисобланади”. Дэвид Б. Херц таъкидлашича: “Раҳбар мавжуд энг яхши альтернативани ўз ресурсларини тақсимлаш, ўзи ва бошқалар учун ҳаракатлар навбатини белгилашга, янги одамлар ва материал ресурсларни жалб этиш учун танлаб олиши керак”. Бунинг учун у қисқа ва узоқ муддатли келажақда қарорларнинг оқибатлари пайдо бўладиган муҳит хусусиятлари ва барқарорлиги таърифига ишониши керак. У бундай бир пайтнинг ўзида муқаррар ва олдиндан айтиб бўлмайдиган муҳитнинг бутун ноаниқлигини тасаввур қилиши керак.

Давлат бошқаруви органлари фаолияти очиклиги ва шаффофлигини таъминлашнинг қўшимча механизмларини жорий этиш □ давлат бошқарувида замонавий менежмент услубларини кенг қўллаш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш, бошқарувнинг инновацион шаклларини жорий этиш. Ўз навбатида ушбу вазибаларни амалга ошириш давлат бошқарувида “ақлли бошқарув” принципларига босқичма-босқич ўтиш заруратини юзага келтирди.

Ҳозирги кунда юртимизда давлат бошқаруви соҳасида демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган 4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш тўғрисида”ги фармони муҳим аҳамият касб этади.

Унда давлат ва жамият қурилиш тизимини ислоҳ қилиш – устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган бўлиб, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонуннинг ишлаб чиқилиши ўз навбатида Тараққиёт стратегиясида бегиланган чора-тадбирларнинг амалий ифодасидир.

Қабул қилинган Қонуннинг мақсади, давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқий мақоми ва давлат фуқаролик хизматини ташкилий-ҳуқуқий механизмини ягоналигини таъминлашга қаратилган муносабатларни тартибга солиш орқали ҳуқуқий асосларини яратиш, уларнинг касбга оид сифатлари ва алоҳида хизматларини объектив ҳамда адолатли танлов асосида хизмат поғоналари бўйича ўсишни кафолатларини ўрнатиш, давлат фуқаролик хизматига кириш, ўташ ва тугатиш жараёнларини тартибга солиш, давлат фуқаролик хизматчиларини касбга лаёқатлилигини ва профессионаллигини ўсишида шарт-шароитлар яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ушбу қонунни ишлаб чиқишнинг зарурий асоси ва уни ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий тавсифи қуйидагилардан иборат:

- ҳозирда мамлакатимизда давлат фуқаролик хизматчиларини ҳуқуқий мақомини белгиловчи, уларининг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояси масалаларини тартибга солувчи ҳамда давлат фуқаролик хизматига кириш, ўташ ва тугатишни умумий ёндашувини мустаҳкамловчи ягона қонун мавжуд эмас;

- ҳозирги кунда мамлакатимизда давлат фуқаролик хизматига кириш, хизматни ўташ ва тугатиш механизмларини, давлат хизматчилари ким эканлигини, уларни мақомини, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини белгиловчи ягона қонун мавжуд эмас.

Бундан муҳимроқ масала, бу давлат фуқаролик хизматини ташкил этиш ва фаолиятида ягона принциплари мавжуд эмаслиги ҳисобланади.

Қонунчилик томонидан буларни мустаҳкамлаб қўйиш, давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги давлат сиёсатини ягоналигини таъминлаш учун муҳимдир.

Қонунчилик билан давлат фуқаролик хизматчиларига белгиланган мезонлар, уларнинг фаолиятини баҳолаш жараёнлари, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартиблари белгиланмаган.

Бундан ташқари, юқоридаги қонуннинг ишлаб чиқилишининг бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

биричидан, ушбу қонун Ўзбекистон Республикасидаги давлат фуқаролик хизмати билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи биринчи қонундир;

иккинчидан, ушбу қонунда аввал Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланмаган бир нечта янги ҳуқуқий атамалар мавжуд (масалан: Давлат фуқаролик хизмати, давлат лавозими ва бошқалар);

учинчидан, юқоридаги қонуннинг қабул қилиниши ҳозирги кунда давлат бошқаруви соҳасидаги мавжуд муаммолар ва ҳуқуқий бўшлиқлар бартараф этади;

тўртинчидан, ушбу қонунда давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланган бўлиб, фуқароларга давлат хизматларини кўрсатиш сифатини оширишга улкан ҳисса қўшади;

бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат хизматларидан фойдаланиши ва ўзларининг Конституциямиз ва қонунларимизда белгиланган қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, ушбу қонунда Ўзбекистон Республикасидаги барча давлат хизматларини кўрсатувчи органларга давлат хизматчиларини (ходимлар) ишга қабул қилиш тартиби ва механизмлари, уларнинг мартаба даражалари, лавозимлари, шунингдек уларни жавобгарликка тортиш асослари аниқ белгилаб қўйилган.

Ҳуқуқшунос олимлар томонидан ушбу қонунни ишлаб чиқишда бир қатор ривожланган давлатларнинг фуқароларга давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги илғор тажрибаси ўрганилди ва тегишли жойлари намуна сифатида олинди. Хорижий мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, Европа (Германия, Франция, Нидерландия ва бошқалар) ҳамда Шарқий Осиё (Япония) мамлакатларининг давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонунларида давлат хизматига кириш тартиби батафсил ёритилган. Умуман олганда, давлат фуқаролик хизматига кириш қоидаларини тартиби барча дунё мамлакатларида мавжуд. Болгария, Германия, Қозоғистон, Қирғизистон, Латвия, Польша, Россия, Франция, Япония ва бошқа мамлакатларнинг давлат хизмати тўғрисидаги қонунларида хизматчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, давлат хизматчиларини фаолиятини баҳолаш, давлат хизматида ўсиш, бошқа давлат лавозимига ўтиш, меҳнатига ҳақ тўлаш, давлат фуқаролик хизматчиларининг иш вақти ва меҳнат таътиллари кенг тартибга солинган.

Жумладан, кадрларни саралаш ва танлаш, давлат фуқаролик хизматчиларига давлат фуқаролик хизмати лавозимлари малака даражалари бериш ҳамда хизмат текширувлари ўтказиш бўйича комиссияларнинг фаолиятини ташкил этилиши, давлат фуқаролик хизматчилари томонидан хизмат мажбуриятларининг бажарилишини ва давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этилишини назорат қилиниши, давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлашни, уларнинг малакаси оширилишини ва таълим олишини мунтазам равишда ташкил этилиши, давлат фуқаролик хизматчиси қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда даромадлари ҳамда мол-мулки тўғрисида декларация тақдим этилиши ҳамда давлат фуқаролик хизматидаги кириш танлов асосида номзодни давлат фуқаролик хизмати лавозимига тайинлаш орқали амалга оширилиши демократик давлат бошқарувида қўйилган катта қадамдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Раффоров Р. “Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанидан Бакалавр таълими йуналиши бўйича электрон версияда маърузалар матни. -Т.: 2006.
2. www.ziyouz.com кутубхонаси. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. - Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. -Б.10
3. Қосимова Д. С., Собиров А.А. Бошқариш назарияси асослари. ОЎЮ лари учун дарслик. – Т: ТДИУ, 2011. 321б.
4. <https://lex.uz/docs/3107036>